

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 178 (10.231)

2004 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА САТТИҚЛАР

● **ЎТГАН** куни Шайхонтоҳур туманидаги «Ипакчи» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган тадбир Конрад Аденауэр жамғармаси ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Сергели туманида туман фаоллари иштирокида «Манавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган тадбир «Уз уйинги, уз юртинги ўзинг асра» деб номланди.

● **КЕЧА** «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган илмий-амалий конференция мамлакатимизда касб-ҳунар таълимини кўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада Германиялик мутахассисларнинг ҳамкорлиги масалаларига бағишланди.


● **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши вакилларининг талабалар билан учрашуви ўтказилди.

● **ФУКАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институти қошидаги «Парламент журналистикаси» клубининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партияларнинг декабрда икки палатали парламентга бўладиган сайловларга тайёргарлиги ҳамда демократик сайловнинг аҳамияти хусусида сўз борди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз мухабарларидан.

Пойтахтимизда самарали фаолият юритаётган корхоналар орасида «Турон про-дуктион» шўъба корхонаси сифатли, кўркам, чидамли маҳсулотлари билан ўз ўрнига эга.

СУРАТДА: корхонанинг ёғоч ишлаш цехининг бригадирини **Нажот Каминов** тажрибаси, ишга масъулияти билан ёшларга доимо ўрнак. **Ҳакимжон Солиҳов** олган сурат.



ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

«Ўзбекистон» теннис марказида мамлакатимизда Япония маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда икки мамлакат маданияти ва санъати намояндалари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Буюк ипак йўлида жойлашган юртимиз азал-азалдан дунёнинг кўплаб давлатлари билан дўстлик ришталарини боғлагани таъкилланди. Мамлакатимиз билан Кунчиқар юрт ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар одис тарихга эга.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга расмий ташрифидан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги даври бошланди. Президентимизнинг 2002 йил июлида Токиога навбатдаги ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларни янги bosқичга кўтарди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар, хуусусан, Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ватанимизда Япония маданияти кунларининг ўтказилиши яхши анъанага айланган. 1997 йилдан буён ташкил этилаётган ушбу тадбир Ўзбекистон билан Япония ўртасида турли соҳада, жумладан, маданий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото, ушбу тадбир икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади, деб ишонч билдирди. Бир ой мобайнида Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Кунчиқар юрт маданиятининг ранг-баранг намуналари юртдошларимиз эътиборига ҳавола этилади. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида икки мамлакат санъаткорлари иштирокида концерт

дастури, Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида сёриндзи кемпо жанговар санъати, икебана - гулдасталар тузиш санъати намойиш этилади.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамда Япония элчихонаси ҳамкорликда ташкил этилган кинофестиваль дастуридан япон халқининг миллий анъаналари, қадимий маданияти акс эттирилган бадиий, ҳужжатли, анимацион фильмлар ўрин олган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида қозғалдан афсонавий қушлар ясаш санъати билан танишиш мумкин бўлади.

Япония маданияти кунларининг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

оширилаётган ислохотлар ва мавжуд муаммолардан хабардор бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, сиёсий партиялар вакиллари ва улар томонидан илгари сурилган номзодлар парламент сайловларида қузатувчи сифатида иштирок этувчи халқаро экспертларнинг ҳар қандай саволларига тайёр бўлишлари ва батафсил жавоб бера олишлари керак.

Семинарда сайловларни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам кўрилиб, Марказий сайлов комиссияси мутахассислари йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

«Туркистон-пресс»

XVI сароси

Барча маълумотлар олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус кеча Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга келиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

● Фарғонада бўлиб ўтган Республика семинар-кенгаши «Мақтабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ва тараққиёт истиқболлари» мавзусига бағишланди.

● БМТ халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳамкорликда «Соғлиқ ва бахт bosқичлари» мавзусида ижодий танлов эълон қилди.

● Қорақалпоғистон Давлат кутубхонасида «Ўзлинг муборак, Ўзбекистоним!» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унинг доирасида «Ўзбекистон — оозод ва обод мамлакат» номли китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Жаҳонда

● Ироқда АҚШ ҳарбийлари ва қуролланган гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар кучайиб кетди. Сўнги бир кун давомида тўқнашувлар оқибатида мамлакат бўйича 92 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳридаги мактабда бостириб қирган террорчилар орасидан ягона тиррик холда қўлга олинган Нур Поша Кулаевга Россия Федерацияси жиноят кодексининг 9 та моддаси бўйича айблов эълон қилинди.

● «Иван» 5 балли кучли тўфони Ямайка оролларида сўнг Куба чегарасига етиб келди. Ушбу довул аралаш қуон ҳозирга қадар 60 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Тўфоннинг Кубадан сўнг АҚШ ва Мексикага ўтиши кутилмоқда.

● Кеча Австралиянинг шимолида жойлашган Тиндал авиабазасида Америка бомбардимончи самолёти ҳалокатга учради.

● Хитойда коррупцияда айбдор деб ҳисобланган йирик банкларнинг тўрт нафар ходимига нисбатан ўлим жазоси қўлланилди.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар вакиллари ҳамда турли вазирликлар, солиқ ва боғхона кўмиталарининг мутахассислари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида асосан сиёсий партиялар вакиллари ва турли вазирлик ва идоралардан вакиллар қатнашди. Сабаби, сайлов компанияси эълон қилинган кундан бошлаб сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган номзодлар ўз дастурларини халққа таништиришлари лозим бўлади.

Сиёсий партиялар ўзларининг сайлов олди дастурларида жамиятимиздаги мавжуд муаммоларга алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг амалдаги ечимини топишда партия иштирокини аниқ кўрсатиб беролса, бу партианин сиёсий майдондаги муваффақиятини кафолатлайди. Бунинг учун эса партия барча соҳаларда амалга

Иқтисодий

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Хамза туманида фаолият юритаётган корхоналар ўртасида «MiHandis service» масъулияти чекланган жамиятининг алоҳида ўрни бор.

Мазкур корхона 1998 йилда иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, нафақат пойтахтда, балки бутун республикамиз бўйлаб ўз мижозларига эга. Бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Ички бозорни чуқур ўрганиш, аниқ режалар асосида иш юритиш, ташаббускорлик ва янгиликка ўқлик ўз самарасини берди.

Айниқса, мижозларнинг хоши-истаклари инобатга олиниб, буюртмалар ўз муддатларида, сифатли бажарилиши уларни мамнун қилмоқда. Масалан, жамият аъзолари ишлаб чиқариш цехларида тайёрлаётган сув насослари учун таркибий қисмлар, люк, полизитлен идишлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ ва ускуналар, чўян батареялар аллақачон ўз харидорларини топганлиги билан эътиборга олинди.

Кувонарлиси, корхона цехларида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар 100 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.

БОЗОР ВА ХАРИДОР

Ички бозоримизнигина эмас, балки узоқ хориз давлатларини ҳам мана чорак асрдан буён «забт» этиб келаятган «Узэлектрппарат» заводи очик акционерлик жамияти жамоаси иқтисодиётимизда салмоқли ўрин эгаллаб келмоқда.

Мазкур корхона ишчи-хизматчилари ишда асосий эътиборни сифатга қаратган ҳолда, йилдан йилга янги маҳсулот турларини яратиб келмоқда. Жамоа аҳлининг асосий маҳсулотини — электрўтказгич қурилмалари ва электр панеллар ҳамда халқ истеъмол молларини ташкил этади.

Эътиборли томони, корхона ўз соҳасида етакчи бўлиб, республикада ягона ҳисобланади. Жумладан, МДХ давлатларида ҳам жамиятнинг сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари йирик sanoat корхоналари ва катта қурилишларда қўлланилади.

Юртимиздаги «Узнефгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги каби давлат ташкилотлари корхонанинг асосий буюртмачиларидан саналади.

Корхонанинг асбобсозлик цехида янги маҳсулотлар кўплаб яратилмоқда. Электрўтказгичи рубильник, 60 ва 100 амперли юкори кучланиши электрпредохранителлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу жараёнлар эса замонавий, юксак унумли рақамли дастурий бошқариладиган технология линиялар шарофати билан амалга оширилмоқда.

Махлиё МУРОДОВА

ЛОЙИХА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичида таълим самарадорлигини ошириш асосий вазифа этиб белгиланган. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг жадал кечишида халқаро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълимини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон-Германия лойиҳаси яқунига бағишланган йиғилишда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Ушбу лойиҳа бундан беш йил муқаддам Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Германиянинг техникавий ҳамкорлик

жамияти билан биргаликда амалга оширила бошланган эди. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимиздаги иқтисодиёт ва туризм йўналишидаги саккизта касб-хунар коллежида туризм ва меҳмонхона иши, қишлоқ хўжалиги техникаси ва жиҳозлари механиги каби қатор янги мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқариш корхоналари, муассаса ва компаниялар билан касб-хунар коллежлари ўртасида узвий ҳамкорлик соҳа мутахассисларига қўйиладиган талабларни белгилаб олишда муҳим омил бўлди. Натижада лойиҳага кирган ўқув даргоҳлари битирувчиларининг қарийб барчаси иш билан таъминланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

АЛЬПИНИСТЛАР ЭКСПЕДИЦИЯДАН ҚАЙТИШДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасида Ўзбекистоннинг энг юкори чўққисини забт этиб қайтган Дилмурод Тиллахўжаев ва Илёс Тухватулинлар билан матбуот анжумани ўтказилди.

Маълумки, мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида Ўзбекистоннинг энг юкори чўққисини забт этиш мақсадида экспедиция ташкил этилган эди. Мазкур экспедицияда Дилмурод Тиллахўжаев ва Илёс Тухватулинлар қатнашди. Альпинистларни тadbиркор ва ишбилармонлар характери — Ўзбекистон Либерал демократик партияси молиявий хижатдан қўллаб-қувватлади. Лойиҳанинг асосий мақсади спортнинг экстеремал турларини оммавийлаштириш ва шу орқали ёшларни спортнинг бу турига қизиқтиришдан иборат.

— Экспедиция давомида шу нарсага амин бўлдимки, мамлакатимизда ҳали ҳеч бир альпинистнинг оёғи етмаган жўғрофик жойлар жуда кўп экан, — деди альпинист Дилмурод Тиллахўжаев. — Жиддий тайёргарликка эга катта экспедициялар уюштириб бу ҳудудларни ўрганиш лозим. Йиғилиш давомида спортчилар томонидан тасвирга олинган фильмлар намойиш этилди. Шунингдек, экспедиция фаолияти атрофида муҳокама қилинди. Экспедиция тadbиротлари ҳали давом эттириши ташкилданди.

Собир Рахимов туманидаги «Sorб-Teh» акциядорлик жамияти «Бакстимс» янги дорисини МДХ мамлакатларига экспорт қила бошлади. Юртимизда ўсадиган доривор ўсимликлардан тайёрланадиган бу препарат шамоллаш оқибатида келиб чиқадиган касалликларга қарши иммунитетни оширади.

«БАКСТИМС» ЭКСПОРТГА ЧИҚДИ

Айни вақтда у буюқ касаллигини даволаш ва унинг олдини олишда, битиши қийин яралар ва тўқималарнинг яллиғланишига қарши курашда ҳам самарали восита ҳисобланади.

— Илгари юртимизга бу турдаги дорилар хориздан келтирилган эди, — деди «Sorб-Teh» акциядорлик жамияти бош директори Ҳақберди Мисиров ЎЗА мухбирига. — Эндиликда корхонамизда кунига йигирла минг дона «Бакстимс» қадоқланиб, экспортга чиқарилмоқда.

ЎЗА

«МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН»

Шахримиздаги 24-Меҳрибонлик уйда «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши ҳамда «Бунёдкор» ёшлар телеклуби томонидан «Меҳримиз сенга, болажон» хайрия тadbирини ўтказилди.

Мазкур меҳрибонлик уйи 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган 129 нафар кичкинтойларни ўз боғрига олган. Ўтказилган тadbир эса қалби ўқис болажонлар учун бир олам кувонч бағишлади.

«Туркистон-пресс»

Харидор маҳсулот сотиб олар экан, аввало унинг сифати ва нархига эътибор қаратади. Маҳсулотнинг қадоқланиши, унинг қайси мамлакат моли эканлиги ҳам сотиб олувчининг назаридан четда қолмайди.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ХАРИД ҚИЛМОҚЧИМИСИЗ?

Масалан, бозорларда кундалик турмушимиз учун доимо керак бўладиган тозаловчи ва оқартирувчи воситаларнинг хариди биров чаққонроқ. Чунки ҳар бир уй бекаси ошхона ва ювиниш хоналарини тоза ва озода сақлашга ҳаракат қилади. Ҳўш, улар ҳар кунни фойдаланишгадан бундай оқартирувчи воситаларни қаердан ва қандай нархдагисини харид қилишди? Нархи ва сифати уларни қониқтирадими? Бундай воситаларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганидан уй бекалари хабардорми? Балки ўзимизнинг маҳаллий маҳсулотлар нимаси биландир харидорларни қониқтирмас? Бу каби саволлар билан бир неча харидорларга мурожаат қилдик.

Раъно РАСУЛОВА, уй бекаси: — Асосан бундай маҳсулотларнинг сифатига эътибор бераман.

Кўпроқ телевизорда реклама қилинаётганларини харид қиламан. Кир ювиш кукунларидан «Ариел», «Барф» номдагилари менга ёқди. «Инспектор» номли оқартирувчи воситадан кўпроқ фойдаланаман. Тўғри, бу маҳсулотларнинг нархи бир оз қимматроқ. Аммо «арзонининг ошнатимас» дейишадик. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлардан фойдаланиб кўрмаганман.

Санобар ЙЎЛДОШЕВА, ҳамшира:

— Оқартирувчи ва тозаловчи воситалар бизнинг касби-мизда жуда асқотади. Лекин ҳозирда бундай маҳсулотларнинг кўпчилиги яроқсиз ҳолда сотувга чиқаришмоқда. Номини телевизорда реклама қилинади-ю, фойдаланиб қўрилса натижаси сезилмайди. Бунга шу ўринда турли-туман шампунлар рекла-

масини ҳам киритиб ўтсақ бўлади. Тўғриси, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бундай воситаларнинг сифатига ҳам унчалик ишонвермайман. Агар сифати ва нархи мени қониқтирса, албатта, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни харид қилган бўлар эдим...

Мана, гувоҳи бўлганнингиздек, харидорларимиз билдирган фикрларга кўра маҳсулот сифати ва нархи биринчи даражалидир. Бу ҳақда айни шахримизда фаолият юритаётган «Хабигуи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Собиржон РАХИМОВ шундай фикр билдирди:

— Корхонамиз асосан тозаловчи ва оқартирувчи воситалар ишлаб чиқаришга ихтисосланган бўлиб, ҳозирда «Покиза» номли оқартирувчи воситамиз сотувга чиқарилган. Бизда тайёрланаётган бундай маҳсулотларнинг биринчи ўринда сифатига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, нархи ҳам бошқаларга нисбатан арзон. Тўғри, ҳозирда айрим харидорлар маҳсулотнинг сифати ҳам қолиб, унинг қадоқланишига эътибор берадилар. Маълумки, бежирим шаклда чиройли қадоқлашга ҳам корхона маълум миқдорда маб-

Бугун шахримиздаги «Шератон» меҳмонхонасида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг турли минтакаларидан ташриф буюрган қурилиш sanoati, тармоқ илмий ва лойиҳа ташкилотлари вакиллари иштирокида «Таркибида асбест бўлган маҳсулот ва материаллардан назорат қиладиган тарзда махсус хавфсиз фойдаланиш шароитларида Марказий Осиё минтақасидаги МДХ Давлатлари асбест-цемент sanoatinинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги минтақавий халқаро семинар бошланди.

Семинарлар

РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАФИШЛАНАДИ

Уч кун давом этадиган мазкур халқаро анжуман МДХ хризотил sanoati корхоналарининг тармоқ бирлашмаси ҳисобланувчи ҳамда барча ҳамдўстлик мамлакатларида асбест чиқарувчи ва қурилиш sanoati манфаатларини ҳимоя қилувчи Хризотил ассоциацияси нотижорат ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилмоқда. Семинарни ўтказишдан мақсад эса Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар асбест-цемент тармоғини ривожлантириш истиқболларини белгилаш, янги технологияларни татбиқ этиш, меъёрий-техник негиз билан танишишдир.

Кеча семинар ташкилотчилари ҳамда мамлакатимиздаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Хризотил ассоциацияси вакили Денис Никитин уюшма фаолияти, унинг мақсад ва вазифалари, хризотил асбестдан фойдаланадиган тармоқлар тўғрисида маълумот берган бўлса, Ўзбекистонда шундай хомашёдан энг йирик маҳсулот ишлаб чиқарувчи «Оҳангарон-шифер» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Исмоил Исमतов корхонанинг фаолияти ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми хусусида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси раиси ўринбосари Собир Эргашев компания ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари, унда асбест материалларининг салмоғи тўғрисида йиғилганларга тушунтириш берди. Матбуот анжумани давомида хризотил асбестнинг экологик томонлари, инсон саломатлигига таъсири хусусида ҳам атрофида фикр юритилди.

Минтақавий халқаро семинар 18 сентябрга қадар давом этади.

(Ўз мухбиримиз)

лағ сарфлайди. Табиийки, бу ҳолда маҳсулот таннархи кўтарилгани босиб, унинг нархи ҳам ошиб бораверади. Корхонамиз ҳозир талабга кўра маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Оқартирувчи воситалар қопларда, граммли қутиларда ва пакетларда қадоқланади. Харидорларимизнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда шунини айтишим мумкинки, ҳозирда маҳсулотимиз сифати билан бир қаторда унинг бежирим қадоқланиши устида ҳам иш олиб бормоқдамиз. Харидорлар эҳтиёждан келиб чиқиб, корхона маҳсулотларини бир хил эмас, балки ҳар-хил ҳажмдаги қутиларда қадоқладим. Масалан, харидор 0,4 килограмм пакетдаги оқартирувчи мосламани сотиб олмақчи бўлса, 150 сўм ёки 0,33 килограммлик қутидagi маҳсулотни харид қилмоқчи бўлса, 270 сўм сарфлайди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, харидор ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотни харид қилар экан, аввало сифатли маҳсулот этасига айланади ва энг муҳими, иқтисодиётимиз ривожига ўз улушини қўшган бўлади.

Орзугул РУСТАМОВА

Транспорт**МЕТРОЧИ-
ЛАРНИНГ
СЕВИМЛИ
УСТОЗИ**

Тошкент метрополи-
тенининг бунёд этили-
ши ўзбек дёрида кат-
та воқеага айланган
эди. Марказий Осиёда
ягона ҳисобланган бу
ерости темир йўли
қасри фаолиятини
йўлга қўйишда кўплаб
йирик мутахассис, раҳ-
бар ходимлар ҳам жон-
бозлик кўрсатдилар.

Мохир транспортчи си-
фатида яхши танилган
муҳандис Шоиноят Шоаб-
дурахимов ҳам ана шу фи-
дойилар қаторида бу хай-
рли ишга яқиндан бош
қўшди.

Ўз қасбини эъозлаб
келаётган бу ажойиб ин-
сон дастлаб Тошкент те-
мир йўл бўлимида бе-
кат бошлиқдан Тошкент
темирйўл бўлими бош-
лиги лавозимига кўта-
рилди.

Унинг Тошкент шаҳар
ижроия кўмитасида кеч-
ган жўшқин раҳбарлик
фаолиятини кўпчилик
яхши билади. Тошкент
шаҳар кенгаши sanoat
транспорт ва алоқа бўли-
ми мудири сифатида
орттирган бой тажрибаси
инobatга олиниб, уни
Тошкент метрополитени
бошлиги лавозимига
ишга ўтказишди. Бу масъ-
улиятни вазифани адо
этиш йўлида Ш.Шоабду-
рахимов кўп ишларни
амалга оширди.

Метрополитенда янги
техника ва илгор техноло-
гияларни жорий этишда
бош-қош бўлди.

Янги метро йўналиш-
ларини бунёд этишда ҳам у
ташаббус намуналарини
кўрсатди. Эскалаторлар,
энергетик хўжалиги, му-
ҳандислик-техник восита-
лар, телебозорлар усули-
га ўтказишда ҳам тиниб-
тинчимас раҳбарнинг хиз-
мати катта бўлди. Поезд-
лар ҳаракати автоматлаш-
тирилган локомотив сиг-
нализациясини жорий
этишда ҳам ижобий ўзга-
ришлар юз берди.

«Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган транспорт хо-
дими» фахрий ном эгаси
Шоиноят ака «Фахрий те-
мирйўлчи», «Тошкент ша-
ҳар йўловчи ташиш транс-
порти фахрий ходими»
каби унвонлар соҳиби
ҳамдир.

Устоз метрочи бугунги
кунда Тошкент метрополи-
тенининг тарих музейига
бошчилик қилмоқда. Ана
шу жараёнда унинг «Тош-
кентнинг ер ости мўъжи-
заси» деб номланган хо-
тира китоби ёзилиб, кўп
нусхада chop этилди.

Ўзининг 75 йиллик са-
насини ёруғ юз билан ни-
шонлаётган устоз транс-
портчиға ҳаммининг ҳава-
си келади.

Ақбар АЛИЕВ

— Бугунги учрашувга келган
ёшларнинг бизларга берган савол-
ларига қойил қолдим, — дейди Бо-
тир Муҳитдинович. — Уларнинг
юртимизда амалга оширилаётган
туб ислохотлар, эл-юрт манфаати,
жамият тараққиёти йўлида бажари-
лаётган кенг қўламаги ишларга
бўлган қизиқишлари мени жуда
хушнуд этди. Ахир келажати буюк
давлатни қурадиган ёшларнинг
фикр доираси шундай бўлиши ке-
рак-да.

Сўхбатдошим шундай деди-да,
бир зум тўхтаб яна сўзида давом
этди:

— Муҳтарам Президентимиз ик-
кинчи чақириқ Олий Мажлиснинг
ўн тўртинчи сессиясида мамлака-
тимиздаги сиёсий партиялар фао-
лиятига тўхталиб, уларни жамия-
тимиз ҳаётига демокра-
тик янгиланишларни
кенг жорий этиш, халқ
манфаати, юртимиз
тинчлиги ва осойишта-
лигини мустаҳкамлаш
йўлида янада фаол
бўлишга даъват этдилар.
Тадбиркорлар ва ишби-
лармонлар ҳаракати —
Ўзбекистон либерал-де-
мократик партияси эса
аввало мулкдорлар, тад-
биркорлар ва ишбилар-
монларга таянадиган
янги сиёсий куч сифа-
тида мамлакат сиёсий
сахнасига кириб келди.
У ташкил топганидан
буён ўтган қисқа давр
мобайнида тўлақонли
сиёсий куч сифатида
шаклланди. Юқорида
таъкидлаб ўтилганидек, партиянинг
жойлардаги кенгашилари, бошлан-
ғич ташкилотлари уюштирилган
тадбирлар, учрашув ва давра сўх-
батлари кексаю ёш, турли касб эга-
ларида қизиқиш уйғотаётганлиги
бизларни мамнун этмоқда. Бу нар-
са янада ташаббус кўрсатиб фао-
лият юритишга даъват этмоқда.

— Ҳозиргина сиз партиянинг бош-
ланғич ташкилотлари иши ҳақида
сўз очдингиз. Ушбу фикрингизни
партиянинг туман Кенгаши фаоли-
яти билан тўлдиришингизни сўраб
эдик.

— Жуда яхши. Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати — Ўзе-
бекистон либерал-демократик
партияси Мирзо Улугбек тумани
Кенгаши ташкил этилган дастлаб-
ки кезларда ноқ аҳоли ўртасида
кенг тарғибот ва ташвиқот иш-
ларини олиб боришга эътибор
қаратмоқда. Партиямиз аъзолари-
нинг сонини ошириш борасида
фаоллик билан ишлар олиб борил-
моқда. Унинг сафларига киришга
аҳд қилганларнинг сони кўпаймоқ-
да. Буни партиянинг туман Кен-

гашига тушаётган аризалардан ҳам
кўрса бўлади. Уларнинг орасида
қалби қайноқ йигит ва қизлари-
мизнинг борлиги қувонарли ҳол-
ди. Партиянинг туман Кенгаши
аъзолари, шунингдек жойларда ту-
зилган унинг бошланғич ташки-
лотлари корхоналарда, маҳалла ва
олий ўқув юртларида, илмий му-
ассасаларда учрашув ва йигилиш-
лар, давра сўхбатлари уюштироқ-
далар, хайрия тадбирлари, байрам
кечалари, концертлар ташкил эт-
моқдалар.

— Ана шундай тадбирлар ҳақида
ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мирзо Улугбек туманидаги
сўдим гўшалардан бири — «Гул-
шан» маданият ва истироҳат боғи-
да ногирон болалар учун ўтказган
хайрия тадбиримиз кўнгли ўксик

Сиёсий партиялар ҳаётидан**ДЕМОКРАТИК
ЯНГИЛАНИШЛАР
САРИ**

Пойтахтимиздаги гўзал қонопалардан бири — Темур-
рийлар тарихи Давлат музейида ўтказилган навбатдаги
тадбирдан унда қатнашганлар ҳам, уни ташкил этганлар
ҳам зўр қониқш ҳосил қилган ҳолда тарқалинди. Ай-
ниқса Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзе-
бекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар,
Мирзо Улугбек тумани Кенгаши райсининг ўринбосари
Ботир Собиржоновнинг мамнулиги унинг юз-кўзидан,
ҳаракатларидан билиниб турарди.

фарзандларимиз қалбига бир олам
шодлик бағишлади. Сил хасталик-
лари санаторийсида, Амир Темур,
Охунбобоев, Мирзакалон Исмои-
лий номли маҳалларда Мустақил-
лигимизнинг 13 йиллиги муносаба-
ти билан ўтказилган тадбирлар ҳам
жуда мароқли кечди. Жаҳон иқти-
содиёти ва дипломатия универси-
тетида, Тошкент Давлат жисмоний
тарбия институтида бўлиб ўтган
учрашув ва давра сўхбатлари ҳақида
ҳам илиқ фикрлар билдириши мум-
кин. Туман корхона ва ташкилот-
ларида, маҳаллаларда тузилаётган
партиянинг бошланғич ташкилот-
лари ўтказётган тадбирлар унинг
қатнашчиларида катта қизиқиш уй-
ғотмоқда. Уларни ташкил этишда
партиянинг туман Кенгаши (раиси
Насрулла Абдувалиев), фаоллари-
нинг жонбозлик кўрсатаётганлик-
ларини алоҳида таъкидлаш керак.
Бу тадбирлар ва учрашувларда
аҳолининг жорий йилнинг декабрь
ойида ўтказиладиган сайловларга
нисбатан гоят қизиқиш билдираёт-
ганликлари ҳам таҳсинга сазовор-
дир.

— Дарҳақиқат, сайловлар
ҳақида. Бу йил халқимизнинг
ҳуқуқий-демократик давлат қуриш,
жамиятни демократлаштириш ва
янгилаш борасидаги хоҳиш-истаги-
ни рўёбга чиқариш йўлида навбат-
даги муҳим қадам қўйилади. Яъни
декабрь ойида мамлакатимизда ilk
бор икки палатали парламентга ва
халқ депутатлари маҳаллий кен-
гашларига сайловлар бўлиб ўтади.
Сўхбатимиз якунида ана шу сиёсий
воқеага қўрилаётган тайёргарлик
ишлари ҳақида тўхталсангиз.

— Эслатиб ўтганингиздек, мам-
лакатимизда давлат ҳокимияти ва-
киллик органларига сайловларга
тайёргарлик кетмоқда. Бинобарин,
партиянинг фуқаролар турмуш да-
ражасини яхшилаш, мулкдорлар
давлат ва жамият тизимини демок-
ратлаштириш ва эр-
кинлаштиришнинг асо-
сий омилга, иқтисоди-
ётнинг етакчи кучига
айланиши ўз ақсини
топган истиқболли да-
стурлари бўлиши ке-
рак. Муҳтарам Прези-
дентимиз айтганлари-
дек, «...Кўппартиявий-
лик шароитида ҳар қан-
дай партия ва ҳаракат
жамият ва халқ ораси-
да обрў топиш эвазига,
аввало билан, сайлов-
лар ва сайлов даврида ўз
гоялари, дастури ва
амалий ишлари билан
сайловчиларни ўзига
эргаштира олиш ва
кўпроқ овоз тўплаш
ҳисобидан қонунчилик
ва ижро ҳокимиятла-

рига ўз вакилларини ўтказиш ва
шулар орқали ўз олдига мақсад
қилиб қўйган гоё ва интилишлар-
ни амалга ошириш билан ўзини
намоён қилиши табиий». Бу пур-
мазно сўзлар бизнинг Тадбиркор-
лар ва ишбилармонлар ҳаракати —
Ўзбекистон либерал-демократик
партиясига ҳам тааллуқлидир.
Булажак парламентнинг Қонунчи-
лик палатаси бўлгуси сайловлар-
ни инobatга олиб, партияларнинг
фаолиятини кучайтириши зарур.
Бунинг учун эса ҳар бир партия
ўзига хос мақсад ва дастурга эга
бўлиши, сиёсий кучлар аҳоли, ай-
ниқса мулкдорлар синфи манфа-
атларини янада дадилроқ ҳимоя
қилиши лозим, чунки бу соҳани
қўллаб-қувватлаш давлатимиз си-
ёсатининг устувор йўналишларидан
бири эканлигини унутмаслик
керак. Биз ана шу эзгу мақсадлар
йўлидаги саяё-ҳаракатларимизни
икки палатали парламентга ва халқ
депутатлари маҳаллий Кенгаш-
ларига сайловларга қизгин тайёргар-
лик кезларида янада кучайтирамиз.

Сўхбатдош Солиҳ ЁҚУБОВ

Тошкент шаҳар Давлат мулкни бошқариш кўмитаси томонидан Вазирлар
Маҳкамасининг "2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чи-
қариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорининг ижроси бора-
сида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

**ХУСУСИЙЛАШТИРИШ —
ДАВР ТАЛАБИ**

Қарорда корхоналарнинг устав жамғар-
маларида давлат улушини энг кўп даража-
да қисқартириш ҳамда объектларга инве-
стицияларни жалб этиш кўрсаткичларини
ошириш масалаларига алоҳида эътибор
қаратилган. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисо-
дий салоҳияти ундаги мулкдорлар қатла-
мининг миқдорига қараб ҳам баҳоланади.
Ҳозирги кунда юртимизда хусусий сектор-
нинг жадал тараққиётини рағбатлантириш,
уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли-
ни янада ошириш мақсадида бир қатор

амалий ишлар амалга оширилмоқда. Пой-
тахтдаги айрим иқтисодий ноҳор корхона ва
муассасаларга ишбилармонларни жалб
этиш, шу йўл билан мулкнинг ўз эгасини
топишига замин яратиш Тошкент шаҳар
давлат мулки кўмитаси ходимлари зимма-
сига юклатилган.

Жорий йилнинг ўтган вақти мобайнида
бошқарма томонидан 130 дан ортик корхо-
налар хусусийлаштирилган. Тошкент шаҳ-
рида жойлашган эликдан ортик акциядор-
лик жамиятлари давлат активлари жами олти

миллиард сўмга сотилди.

Тошкент шаҳридаги "12-трест" очик ак-
циядорлик жамияти нафақат пойтахтда, бал-
ки республикамиздаги йирик қурилиш таш-
килотларидан бири ҳисобланади. Маҳал-
лий инвесторлар томонидан хусусийлашти-
рилгач, корхонанинг фаолиятида катта ўзга-
ришлар бўлди. Натижада трест йирик қури-
лиш объектларини қуриб, фойдаланишга
топширди. Ўзбекистон Давлат консервато-
рияси, Чорвоқдаги «Пирамида» дам олиш
мажмуаси, теннис корти, коллеж ва лицей-
лар шулар жумласидандир. Трестнинг 500
дан ортик акциядорлари бўлиб, 630 минг
дона оддий акциялари мавжуд. Ҳозирги кун-
да уларнинг ҳаммаси жойлаштирилган. Таш-
килотга хориж мутахассисларининг жалб
этилганлиги ҳамда ишчилар тажрибасини
ошириш борасида амалий ишлар қилина-
ётганлиги муваффақият гарови бўлмоқда.

Алоуддин ҒАҒҒОРОВ,
"Туркистон-пресс"

Бугунги суҳбатдошимиз Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази директори Абдуҳамид МУСТАГИЗОВ ўқув маркази фаолияти ҳақида куйидагиларни сўзлаб берди:

Муқоаза

МАРКАЗНИНГ БУГУНГИ КУНИ

— Жорий йил бошидан буён мақур марказимизда 2200 нафар фуқаролар ўқитилиб, уларга гувоҳномадлар топширилди. Пойтахтдаги мавжуд бўлиш иш ўринлари ҳисобга олингани ҳолда меҳнат бўлимлари йўналиши билан фуқаролар ўқув марказига юборилади. Биз

жуд. Ҳозирги кунда ўқув марказида 25 нафар малакали, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган ўқитувчилар фуқароларга таълим бermoқдалар.

Масалан, математика фанлари номзоди Асқар Фаниҳужаев компьютер ва офис техникаси билан дарс беради. Бухгалтерия


та ёшлар ҳамда ўрта ёшли фуқаролар ўргатилмоқда.

Марказимизда баъзи имкониятлар чекланганлиги сабабли шаҳримиздаги давлат таълим муассасалари билан ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузилган. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Республика Таълим маркази, стенография ва машинада ёзув курслари, Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи шулар жумласига кирилади.

Давр тақозоси билан марказимизда ёшлар турли замонавий касбларни ўрганишга интилоқдалар. ЭХМ оператори, бухгалтерлик ҳисоб-мунавал касб-хунар коллежи шулар таъминланди. Яқиндагина фаолиятини бошлаган «Шарқ модель» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ва бошқа энгил sanoat соҳасидаги хусусий фирмаларда ишлаш учун 260 дан зиёд тикувчи-операторлар гувоҳномалар олгач, ишга жойлашди. Шунингдек, қурилиш ташкилотлари учун 51 нафар газэлектр-пайвандчилар, «Тошкентлифттаъмирлаш» корхонасига 38 нафар электр механиклар тайёрланди.

Йил охиригача ўқув марказида 3300 нафар фуқаролар касбга тайёрланиб, қайта ўқитилади ҳамда малакалари оширилади. Марказ фаолиятини қатъий режалар асосида олиб боради, яъни илгор чет эл тажрибалири ўрганилиб, марказда татбиқ қилинади, ўқув базисини эса замонавийлаштириш кўзда тутилган. Шу боисдан ҳам бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш оғирлигини у куйидагича изохлади.

— Яқиндада собиқ ҳамкасблар билан учрашишга келишгандик — йигирма нафар чоғли эдик. Уша кунни кўпчиликнинг иш фаолияти сафарлар билан боғлиқ эканлиги сабабли ҳам 5 киши йиғилдик. Салом-алик, — Сен бир неча шартлар кўйгансан — иш қизиқарли, лекин тонг сахардан кечгача дам



Сергели туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармасига қарашли Политехника лицейи 1999 йили қайта ташкирланиб, унга коллеж мақоми берилди.



— Таълим масканимизда 1100 нафар ўқувчи 7 та йўналиш бўйича ўзбек ва рус тилларида тахсил олмақда, — дейди коллеж директори Хотам Азимов. — Егачга ишлов бериш ва мебелларни ишлаб чиқариш бўйича уста, тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаш-

Мустақиллик йилларида келажагимиз ворислари бўлган фарзандларимизнинг билимли, жисмонан бақувват, бирор касб-хунар эгаси бўлиб, меҳнат бозорига эркин рақобатлаша олишлари мақсадида давлатимиз томонидан талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Сергели Политехника касб-хунар коллежиде ҳам ёшларга билим олишлари ҳамда касб-хунар эгаллашлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

Ёшлар — келажагимиз

ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛанаДИ

хонаси, 3 та компьютер хонаси, 3 та лингафон хонаси, 5 та автотранспортни ишла-тиш устакхоналари ҳамда физика, кимё, биология ва махсус фанлар хоналари, кутубхона, спорт зали, ошхона, «Маънавият ва маърифат» хоналари мавжуд. Таълим масканидеги замонавий жиҳозлар Жанубий Корея давлатидан келтирилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Коллеж жамоаси «Таълим тўғрисида»-ги Конун ва қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилиш баробарида, пойтахтимизда жойлашган бир қатор олий ўқув юрталари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент Тўқимачилик ва энгил sanoat институти, Тошкент Молия институти, Тошкент Ахборот технологиялари университетлари бунга мисол бўла олади.

Коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ҳам шартнома асосида «Файз холдинг компанияси», «Кохинур» хусусий автокорхонаси, «12-автокорхона» очиқ акционерлик жамияти, Серге-

ли туман меҳнат бўлимида ўтайдилар. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун коллежда 7 та спорт ва 10 хил турдаги фан тўғрисидаги фаолият курсатиб келмоқда. Таътиллар даврида ҳам спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, кураш, стол тенниси ҳамда ката теннис турлари бўйича доимий секциялар ишламоқда.

Узларининг заҳматли, лекин шарафли меҳнатлари билан ёшларга билим бераётган ўқитувчилар жамоасининг фаолияти таҳсинга лойиқ. Улар — 11 нафар олий тоифали, 7 нафар 1-тоифали, 5 нафар 2-тоифали ўқитувчилардир. Жумладан, ишнинг усталари бўлган 20 нафар ўқитувчилар ўз билим ва малакаларини ёшларга сидқидилдан сингирдиришмоқдалар. Автомобилсозлик мутахассислиги бўйича кафедра мудири Т. Сулайманшиков Жанубий Кореяда малакасини оширган бўлса, Ф.Синдарова эса Россия давлатидаги университетда тажриба орттириб қайтиди, у Ўрта махсус касб-хунар таълимининг ривожлантириш институтининг илмий тадқиқотчи-

билан ишлаш гуруҳи тузилади. Сентябрь ойидан бошлаб, иқтидорли ёшлар билан мақсадли ишлаш бошланади. Меҳрибон устозлар бошчилигида ва бевосита кўмағида фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларга пухта тайёрларлик қўрилади. Ўқувчилар нафақат Сергели тумани, балки шаҳар, ҳатто республика миқёсларида сезиларли ютуқларга эришмоқдалар, коллеж мақеини кўтармоқдалар. Рус тили ва адабиёт фанидан олимпиадада 1-ўрин, «Сен қонунни биласанми?» танловининг туман босқичида 2-ўрин, «Сен Ўзбекистонни биласанми?» кўрик-танловида, «Тикувчиларнинг ишлари», «Автомобилни таъмирлаш» мутахассисликлари бўйича касб усталарини аниқлаш кўрик-танловларида юқори ўринларни эгаллади-лар.

Хуллас, мақур коллеж ҳаёти қизгин, ёшларга хар томонлама эътибор кўчи. Бугунги харакат, тинимсиз меҳнат эса эртага албатта, ўзининг тогли мевесини беради.

Муқаддас УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: Сергели политехника касб-хунар коллежиде ўқувчилар маҳорати малакали устозлар билими ва ишлаб чиқариш усталарининг амалиёти билан мустаҳкамланади.

Узбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда бош бошқарма мадади туфайли ўқув марказида фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Таълим эса 2003 йилдан эътиборан Европа мамлакатларининг илгор тажрибалари асосида олиб берилмоқда, яъни, 2-3 та маъруза ўқилгач, амалиёт ўтилади.

Кейинги йида ўқув маркази битирувчиларига талаб бирмунча ортаданлигини алоҳида таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман. Чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ва немис Халқ университетлари уюшмаси ҳамкорлик институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси ўртасида ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш борасида услубий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилган.

Марказимизда жами 16 та ўқув аудиториялари, 3 та замонавий компьютер хоналари, 3 та ишлаб чиқариш устакхоналари, шунингдек, электргаз пайвандлаш ҳамда дурадгорлик ишларига мўлжаллаб, махсус жиҳозланган устакхоналар мав-

балари ўрганилиб, марказда татбиқ қилинади, ўқув базисини эса замонавийлаштириш кўзда тутилган. Шу боисдан ҳам бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳридаги бўш иш ўринлари пухта ўрганилмоқда. Аниқ маълумотлар асосида касб-хунарларга ургатилади, ўқитилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА ёзиб олди. СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини давом эттириш мақсадида ўқув марказимизда зардўзлик, попопчилик, миллий либослар тикиш-

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Муқоаза

КИМ ҲАҚ?

Кунни кеча автобус бекатида бир танишимни учратиб қолдим. У билан роппа-росса 10 йиллардан буён кўришмаган эдик. Мириқиб суҳбатлашмиш мақсадида яқинроқда жойлашган қаҳвахонага йўл олдик.

Мираъзам исмли оғайним каттагина корхонада узок йиллардан бери ишлаб келади. Авваллари топил-тутиши яхши бўлган, лекин бугунги бозор иқтисодиёти талаблари шартитдан келиб чиққан ҳолда иш юритиш оғирлигини у куйидагича изохлади.

— Яқиндада собиқ ҳамкасблар билан учрашишга келишгандик — йигирма нафар чоғли эдик. Уша кунни кўпчиликнинг иш фаолияти сафарлар билан боғлиқ эканлиги сабабли ҳам 5 киши йиғилдик. Салом-алик, — Сен бир неча шартлар кўйгансан — иш қизиқарли, лекин тонг сахардан кечгача дам

олишсиз, бунинг устига таътиллари ишлаш керак дегандик, шундайми, — қизиқдим мен ҳам. — Албатта, мен ҳамол йўл тутиб, яхши маош учун кўпроқ ишлаш лозимлиги, даставвал иш қийин кечилиши беркитмай айтганиман, — деди ошанам.

— Корхонада ҳам ишларимиз бир меъерда кечарди, янги раҳбар келгач эса ҳаммаси чапласига кетди, — дедим.

Шуҳрат яна куйиб-пишиб тушунтира кетди. — Раҳбарини айблама, лекин у ҳам янгиликка интилиши, та-шаббус кўрсатиши керак. Аввал қандай ишлардик, оғайним. Эслангин, буюртмалар кетма-кет келаверарди, омбор учун ишлардик асосан. Режа бажарилгач, маош ҳам, мукофот ҳам бериларди. Иш тартибимиз ҳам ажойиб — ишга келишимиз билан кечкишга чиқардик, ярим соат ишлагач, йиғилишиб чой ичардик, қарабсанки — тушлик, вақти ҳам келиб қоларди. Ой

охирида эса «югур-югур» кўпаярди. Ҳозирги кунда махсудотлар рақобатбардош, кўркам, чидамли бўлиши билан бирга, асосийси нисбатан арзонлиги билан харидорларни ўзига жалб қилмоқда. Ички бозор чуқур ўрганилсагина, ишда самара бўлади...

— Хуллас, бизнинг бахс-мунозарамиз узок давом этди, собиқ ҳамкасблар ҳам турли фикр-мулоҳазалар билдиришди. Лекин мен шунга амин бўлдимки, бизнинг шиддаткор асримизда кўпроқ изланиш, янгиликка интилишимиз, яъни эски одатларимиздан тезроқ қутулишимиз зарур экан. Керак бўлса, дам олишсиз ҳам ишлаш мумкинлигига амин бўлдим. Баракали маош учун унумли меҳнат, билим ҳам керак. «Эски вақтларни» бехуда эслаб, дей-диш қилиш эса бефойда, — деб сўзини тугатди Мираъзам қатъиятди кулиб қўйганча.

Олим МИРҲАМИДОВ

Сўраш, жавоб берамиз

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Хўжалик ҳисобидеги ташкилотда ишлайман. Ишхонамизга яқинда аудиторлар келади, деган гап эшитдим. Аудиторлик ташкилотлари қандай хизматларни бажариш ҳуқуқига эга? Моҳира Каримова, хизматчи,

Ақмал Икромов тумани. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»-ги Конунининг 17-моддасига биноан аудиторлик ташкилотлари куйидаги хизматларни кўрсатиши мумкин: — бухгалтерия ҳисоб-китобини йўлга қўйиш, тиклаш ва олиб бориш; — молия ҳисоботини тузиш; — хўжалик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили; — миллий молия ҳисоботининг халқаро стандартларга ўтказилиши; — бухгалтерия ҳисоб-китоби, солиқ тайинлаш, режалаштириш, менежмент ва молиявий хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг; — солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўй-

ча ҳисоб-китоб ва декларациялар тузиш. РАД ЭТИШ МУМКИНМИ? Хусусий фирмага ишга кирмоқчи эдим, хомилдорлигимни вақт килиб, ишга қабул қилишмади. Улар ҳақми? Санобар Мирқосимова, Ҳамза тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 224-моддасига биноан, хомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг ишга қабули қийинлаштириш тақиқланади. Ишга қабул қилишда иш берувчи рад этиш сабабини аниқ кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хомилдор

қўйиши ҳам мумкин. Зиддиятлар келтириб чиқармасликка интилинг ҳамда сабр-тоқатли бўлинг! Ва ниҳоят, узок кутилган кўнги-рок — сизга аталган жой бўшаганлиги ҳақидаги хабар келди. Энди қатъийлик кўрсатишингиз — ўз хо-ҳишингиз билан ишдан бўшаган ҳақида аризангизни беришингиз мумкин. Кутилмаган муаммо кўнда-дан бўлиши — директорингиз ари-зага кўл қўйишдан бош тортиши мумкин. Бу ҳолда қонун сиз томон-дан, «ғийбат» қилманг. Акс ҳолда нуқулга вазиятга тушиб қоли-шингиз аниқ, чунки бирор ҳодим гап-ларингизни оқизмай-тоғизмай раҳ-барга етказиши аниқ.

Янги жойдаги ваъда қилинган иш ўрни маълум сабабларга кўра бўшамаган бўлса-чи? Сиз эса ўзин-гизни жамоангиз билан хайрлашши вақти яқиндай тупласиз. Воқеалар-ни зўрма-зўраки шошириш яхши эмаслигини таъкидлаган ҳолда, шуни эслатмоқчимизки, раҳбарин-гиз ишлаб чиқариш зарурати билан 2 ҳафта шахарда бўлмаслигини ҳам назарда тутиш зарур. Ёки у бўшаш ҳақида аризангизга дарҳол кўл

қўйиши ҳам мумкин. Зиддиятлар келтириб чиқармасликка интилинг ҳамда сабр-тоқатли бўлинг! Ва ниҳоят, узок кутилган кўнги-рок — сизга аталган жой бўшаганлиги ҳақидаги хабар келди. Энди қатъийлик кўрсатишингиз — ўз хо-ҳишингиз билан ишдан бўшаган ҳақида аризангизни беришингиз мумкин. Кутилмаган муаммо кўнда-дан бўлиши — директорингиз ари-зага кўл қўйишдан бош тортиши мумкин. Бу ҳолда қонун сиз томон-дан, «ғийбат» қилманг. Акс ҳолда нуқулга вазиятга тушиб қоли-шингиз аниқ, чунки бирор ҳодим гап-ларингизни оқизмай-тоғизмай раҳ-барга етказиши аниқ.

Янги жойдаги ваъда қилинган иш ўрни маълум сабабларга кўра бўшамаган бўлса-чи? Сиз эса ўзин-гизни жамоангиз билан хайрлашши вақти яқиндай тупласиз. Воқеалар-ни зўрма-зўраки шошириш яхши эмаслигини таъкидлаган ҳолда, шуни эслатмоқчимизки, раҳбарин-гиз ишлаб чиқариш зарурати билан 2 ҳафта шахарда бўлмаслигини ҳам назарда тутиш зарур. Ёки у бўшаш ҳақида аризангизга дарҳол кўл

Турмуш ўртоғим 8 ойдан бери ишсиз. Яқинда бир дугонадан меҳнат бўлими-рида ишсизлик нафақалари тўланиши ҳақида эшитиб қолдим. Ишсизлик нафақасини тўлаш шартлари ҳақида маълумот берсангизлар. Кавсар Рахимова, магистр, Сергели тумани. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 65-моддасига биноан, ишсизлик нафақа-

ХОДИМ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

Юртимизда кичик корхоналар ва хусусий бизнес йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Дейлик, Сиз тadbиркорсиз, олдингизда эса хусусий фирмангизга ходимлар танлаш масаласи кўндаланг турибди. Вакант лавозимга номзод билан қандай тарзда суҳбат қилишни аниқ билмайсиз. Биз Сизга номзод ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида куйидаги саволлардан фойдаланишни маслаҳат бера-

- Нима учун ишга жойлашиш учун бизнинг идорага мурожаат қилдингиз?
• Сиз бу лавозим ва корхонамиз ҳақида нималар биласиз?
• Қандай миқдордаги маошини мўлжаллагансиз?
• Ўзингиз ҳақингизда нималарни сўзлаб бера оласиз?
• Кучли ёки заиф томонларингизни қандай баҳолайсиз?

- Қайси турдаги фаолиятни маъқул кўрасиз?
• Қайси эришган натижаларингиз Сизда кўпроқ қониқиб ҳиссини уйғотади?
• Ҳаётдаги жиддий ҳа-тоингиз ҳақида гапириб берсангиз.

- Нима сабабдан аввал-ги ишингиздан кетгансиз?
• Ноишлаб чиқариш ха-рактеридаги келишмовчи-ликлар юз берганими?
• Ҳаётдаги мақсадла-рингиз нималардан ибор-рат?
• Уларга эришиш учун қандай режаларингиз бор?
• Келажагингизни 5-10 йилдан сўнг қандай тасав-вур қиласиз?

- Масқур рўйхатни яна бир савол билан тўлдириш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз:
• Фавқулодда вазият юз берса, қандай йўл тутасиз?

Шу ўринда аввалдан ўйланган бирон ҳолатни номзодга баён қилиш тавсия этилади.

Комила КАМОЛОВА тайёрлари

ишсиз, деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат бўлимида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Ишсиз шахсининг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кеч билан 11 кундан эътиборан қўлга қиради. Ишсизлик нафақаси кўпи билан: — ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки узок (1 йилдан ортик) ташафусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга харакат қилаётган шахсга 12 ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафта; — илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса 13 календарь ҳафта мобайнида тўланади.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб доно бўлур...

● Сахий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиатли кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабих иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан ахшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол каби-дир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй хидларни бошлаб келади. Агар ширин хидли жойлардан ўтса, муаттар исларни келтиради.

Байт:

Хар кимнинг бор экан
танида жони,
Ким билан сўзлашса,
бўлар таъсири.
Ёмонлик бўлмаса
кишининг афъоли,
Доим яхши билан
хуш суҳбат курар.

● Оғирчилик ва фамгинлик-да қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жохил суҳбатидан афзалдир.

Суҳбат учун топсанг
доно кишини,
Ёмонларни яқин
йўлатма зинҳор.
Одамларга ёққан фақир
доно суҳбати,
Нодон бойдан кўра
яхшидир минг бор!

● Тўғри йўлда юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улуғ фазилат эканини билади.

● Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасинигина кўзла-майди, халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади, ҳеч кимга зиён, захмат етказмайди.

ХИКОЯТ. Рум ҳукмдори Эрон ҳукмдори машҳур Анушервондан:

— Бир иморат қилишга киришган эдингиз, нима бўлди, битдими? — деб сўради.

— Иморатимни битказдим, мен ҳеч вақт нотамои иш қилмаганим, қайси ишга қайдам кўйсам, у ишни охирига етказмагунча тиниб-тинчимайман.

Бир ишга киришган киши гайрат қилиб бошлаган ишни охиригача етказиши лозимдир, — деб жавоб берди Анушервон.

Рум ҳукмдори Анушервоннинг сўзларини маъқуллабди:

— Балли, юнон донишмандлари ҳам шундай деган эдилар, — деди.

ХИКОЯТ. Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деган жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши хунар ҳамма айбни босади?

— Сахийлик, — деди донишманд.

ХИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларини яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг чақимчи бўлганинг учун сендан нафратланаман, сени душманим деб биламан. Ёлғон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:

Гар чақимчи ўз
ишидан урса дам,
Қудратинг етса,
тилни қилгил қалам.

Мен меҳрман, яхшилик сари,
Иккиланмай бораман дадил.
Мен қаҳрдан, ғазабдан нари,
Фикрим тоза, ниятим одил.

Кучига куч яна кўшади,
Шарбатимдан културм ичганлар.
Мен кирган қалб қайнаб жўшади,
Мен туфайли кўкка учганлар.

Мен туфайли жойдан жойларга,
Тез-тез кезиб юрур хушхабар.
Пардоз кирар кўшиқ-куйларга,
Хар кун ишда, кўчада зафар.

Мени ошно қилган хар фарзанд,
Ранжитмайди ота қалбини.
Онасини қилади хурсанд,
Бажаради аҳди, лафзини.

Мени ошно қилган хар шогирд,
Касбни уdda қилар доимо.
Мард бўлади, бўлмайдиган мард,
Устозидан олади дуо.

Мени ошно қилган инсонлар,
Севимлидир Ватан, элида.
Мендан ором топади жонлар,
Қувонч бор ёш-кекса дилида.

II

Мен меҳрман, ҳарорат, тафтим,
Ниҳоятда иссиқ, оловли.
Шарофатли чўзилган кафтим,
Ғамдан узоқ мен кирган ҳовли.

Ўхшасамда кўёшга, лекин,
Ундан анча фарқим ҳам бордир.
Уни баъзан ой тўсиш мумкин,
Менга барча тўсиқ бекордир.

Ёмғирларга ўхшайман, унинг
Жала дўли зарарли анча.
Заррача ҳам хавфим йўқ менинг,
Кайфиятлар ўсади қанча.

Шамолларга ўхшайман, бироқ,
Менинг қаттиқ тўфонларим йўқ.
Бош силашда менман яхшироқ,
Бадхулқлигим, гумонларим йўқ.

Экинга наф кўёшнинг нури,
Илдизлар куч олар ёмғирдан.
Жонга роҳат шамол хур-хури,
Шулар билан ҳосил бор ердан.

Шулар каби мен ҳам энг керак,
Менсиз сира ўсмас кўнгиллар.
Мен бор жойда гул очар қуртак,
Гул бор жойда сайрар булбуллар.

III

Мен меҳрман, кўплаб замоннинг,
Оғир дамин такрор кўрганман.
Турли-туман кўплаб инсоннинг
Дарду ғамин такрор кўрганман.

Меҳрлилар ватанга содиқ
Бўлиб жанглар қилди ёв билан.
Хушёр турди бўлганда ҳадиқ,
Кураш қилди тўсиқ, ғов билан.

Навоий кўп бойликдан кечди,
Ватанидан кечмади асло.
Бузғунчилар кафанин бичди,
Найрангларга учмади асло.

Меҳр билан ўзбек тилининг
Бойлигини исбот қилди у.
Эгаллади анча билимини,
Унинг номи яшайди мангу.

Бобур четда яшаса ҳамки,
Ўз юртидан меҳр узмади.
Муруватда бўлди у танти,
Эл кайфини сира бузмади.

Бошқа шоҳнинг азиз онасин
Севди ўзин онаси каби.
Севди элнинг етим боласин,
Тўлиқ эди меҳрга қалби.

IV

Мен меҳрман, менга ҳамма ўч,
Шаънингга бор кўшиқ, гулёрлар.
Мен йўқ жойда барча нарса пуч,
Мен йўқ жойда кўпдир оҳ-зорлар.

Мен йўқ жойда йўғон чўзилар,
Бел буқилиб, тинка қурийдиган.
Ингичкалар эса узилар,

Энг керакли нарса чирийди.

Мен йўқ жойда ғамли оналар,
Қариялар уйда ота.
Тилка-пора бўлган сийналар,
Тўлиб тошар камчилик, хато.

Буюкларнинг бевақт ўлими,
Меҳрсизлик оқибатидир.
Қисқа қилиш хар ким тилини,
Меҳрсизлик натижасидир.

Мен меҳрман, мендан айрилмас,
Инсофи ва имони борлар
Мен бор жойда қанот қайрилмас,
Топилмайди йўқсиллар, хорлар.

Далаларда қизийди ишлар,
Хирмонларнинг бўйлари баланд.
Барақали бўлар юмушлар,
Кайфият зўр, кўнгиллар хурсанд.

Мен бор жойда хусн ва чирой
Кириб борар ҳамма томонга.
Кундуз кўёш, тунда кулар ой,
Меҳрдан зўр борми инсонга.

Уруш, жанжал сира бўлмайди,

МЕҲР НИДОСИ

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Кучаяди элда ахиллик.
Хар кишида турмуш гуллайди,
Йўқолади ўч ва бахиллик.

Авж олади меҳмондорчилик,
Саройларда халқ бўлар гавжум.
Йўқолади барча камчилик,
Шодликлардан иборат хар зум.

Уланади тўйлар тўйларга,
Чойхонада гурунглар қизир.
Уланади куйлар куйларга,
Ғам ўрнига келади ҳузур.

Сувда китлар китчаларини,
Ёнлардан айрмай сузар.
Қўлда ёзиб қанотчаларин,
Она-бола лочинлар кезар.

Ҳашаротлар, барча ҳайвонда,
Ахиллик бор хамиша, хар дам.
Мен меҳрман, мен бўлмаганда,
Бунча гўзал бўлмасди олам.

VI

Мен меҳрман, менга ташналар,
Ҳамма жойда ниҳоят сероб.
Меҳр билан дўстлар, ошналар,
Турар хар вақт аҳволлар сўраб

Улар қилган тўйларидаги,
Камчиликка бир-бири тирак.
Меҳрибонлик уйларидаги,
Болаларга мурувват керак.

Инсон учун нима энг зарур,
Эътибордан қолмади четда.
Меҳр билан халқ яшар мағрур,
Оғир дамлар қолмоқда четда.

Мурувватга, меҳрга зорлар,
Ниятга етди бу элда.
Баҳор келиб, эриди қорлар,
Меҳр кўрки акс этди гулда.

Етимларда ўйчанлик битган,
Бор уларнинг юзида қулгу.
Хафачилик дамлари ўтган,
Бор уларнинг кўзида қулгу

Кун ўтши бўлиб фаровон,
Меҳр-шафқат тантанасидир.
Яхшиланиб бормоқда замон,
Бу оқибат тантанасидир.

VII

Буюк олим мутафаккирлар,
Мақсадига етмаган бирдан.
Фандаги кўп баланд-чуқурлар,
Ишларига анча панд берган.
Тарихчилар минглаб китобни,
Варақлади кеча-кундузи.

Қайта-қайта кўрди хар бобни,
Ниҳоят нур берди юлдузи.

Ал-Хоразмий, Умар Ҳайёмни
Ўрганшиди математиклар.
Эринмасдан пишитди хомни,
Шундай пайдо бўлди етуқлар

Академик Юнус Ражабий,
Осонликча бўлмади машхур.
Муслиққа берилди қатъий,
Ишлов берди, қайси асар ғур.

Яна қанча-қанча олимлар,
Меҳр билан етди ниятга.
Меҳрсиздир ваҳший, золимлар,
Меҳр керак инсониятга.

VIII

Мен меҳрман, мени қалбига,
Кимки жойлаб спортга кирди,
Эришди у орзу, аҳдига,
Илғорларнинг сафида юрди.

Қайта-қайта эринмай тинмай,
Машқи давом эттирганларга
Омад кулиб нур сочи кундай,
Раҳмат олға от сурганларга.

Бир эркин кураш бўйича,
Жаҳоннинг зўр чемпионидир.
Боксда ҳам чемпион анча,
Меҳр берган шон-шухрат шудир.

Сувда сузиш қиличбозликда,
Қўл тўпида танилганлар бор.
Кўп ҳислат бор ишқибозликда,
Ишқибозга хар вақт омад ёр.

Футболда ҳам Ўзбекистонда,
Олға томон босилди қадам.
Сара гуллар бордир бўстонда,
Парваришлар керақдир хар дам.

Санайверсам номи машхурлар,
Анча бўлди, бунга мен сабаб.
Йилдан йилга кўпайди зўрлар,
Бундай бахтли кунга мен сабаб.

IX

Мен меҳрман, икки дақиқа,
Шахмат сари қайтмоқ истайман.
Рустам Қосимжонов ҳақида,
Мақтов сўзим айтмоқ истайман.

Рустамжоннинг шахматга меҳри,
Меҳрларнинг энг аълосидир.
Беқийёсдир ақл ва зехни,
У энг машхур эл боласидир.

Ўзбекистон тарихида у,
Энг фахрли бўлиб қолади.
Номи ўчмай яшайди мангу,
Яна анча унвон олади.

Бу воқеа ўзбек элига,
Қувонч берди, Рустам соғ бўлсин.
Юртнинг бундай сара гулига,
Кўз тегмасин, қадди тоғ бўлсин.

X

Мен меҳрман, меҳрсизларни,
Ёқтирмайман улар иймонсиз.
Ёқтирмайман кўнгли қирларни,
Улар зарар, лабэсиз, виждонсиз.

Улар хар вақт тўғрилиққа ғов,
Улар иши ёмонлик фақат.
Обрў топса элида биров,
Улар куйиб бўлар бетоқат.

Бошқа бўлиб қолса мабодо,
Шухратлидан хато излайди.
Одамларга қилмас жон фидо,
Ўз фойдасин доим кўзлайди.

Кулгулидир доврғи кетган,
Шахсга ўчни қилмаса қанда.
Пайти келиб сурилиб четга,
Қилмишидан бўлар шарманда.

Мен меҳрман, тиниқ сувимдан,
Кўнгилларни қондирувчиман.
Энг ёқимли, майин елимдан,
Тўйиб нафас олдирувчиман.

Адолатни истовчиларнинг,
Манзилини ошён этаман.
Адоватни истовчиларнинг,
Қулбасини четлаб ўтаман.

Тўра ЖУМАН.

Шифобахш қисмликлар ЖИЙДА

Ҳар қандай оқётган нарсани тўхтатади. Унинг буриштиришида ва ични қотиришида қуввати дўланинидан кўпроқдир.

Иссиқдан бўлган йўталга фойдалидир. Қусини тўхтатади. Жийда пешобга қарши фойдалидир. Сафродан бўлган ичак шилинишида фойда қилади, жийда ични тўхтатади.

НОК

Меъдани ошлаб тозалайди, ташналикни кеседи, сафрони тўхтатади.

Ични қотиради, айниқса, қоқиси шундай. Нок, айниқса ёввойисининг қуритилгани жароҳатларни битиради.

ОЛМА

Хушбўй, ширин ва нордон олма, юракни қувватли қилади.

Олма заиф меъдани қувватлантиради. Хамирнинг ичида пиширилган олма иштаҳанинг камлигига фойдалидир. Олманинг талқони меъдани қувватли қилади ва қусини тўхтатади. Хамирнинг ичида пиширилган олма гижжаларда ва дизентерияда фойда қилади.

ОЛХҲҲ

Озиқлиги оздир. Таомдан олдин ейлади. Елими яраларни битиради, сирка билан қўшилгани темирткини йўқотади, хусусан у билан асал ёки шакар аралашган бўлса, айниқса болаларда яхши натижа беради.

Елими кўзга тортилса, кўзни қувватли қилади. Кўкракдаги огриқларга фойда қилади. Унинг аччиқ хили сафрони қаттиқ ҳайдайди.

УЗУМ

Қаттиқлик, юмшоқлик, ширинлик ва бошқа сифатлари баробар бўлса, оқи қорасидан яхшироқ ҳисобланади. Узилгандан кейин икки ёки уч кун сақланган узум ўша кунни узилганидан яхшидир.

Янги узилган узум ични дам қилади. Асраб осиб қўйилгани яхши озиқлиги бўлиб, баданни қувватли қилади. Майиз гижар ва меъданинг дўстидир. Узум ва майиз уруғи билан биргаликда ичак огриқларига яхши, майиз эса буйрак ва қовуққа фойда қилади.

Мутахассис оғохантарафи

ҲАШАРОТЛАР КАСАЛИК ТАРҚАТАДИ

Кўпинча билиб-билмай атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўямиз. Натижада турли ҳашаротлар ва кемирувчиларнинг кўвайишига, улар орқали кўплатиб юқумли касалликларнинг тарқалишига имкониятлар яратиб берганимизни сезмай қоламиз. Пашша, чивин, бурга, сувараклар ва сичқон, каламушлар бизнинг нохуш меҳмонларимизга айланиб қолишади.

Бир қатор ошқозон-ичак хасталиклари ва аллергия касалликларининг тарқатувчиси асосан пашшалар ҳисобланади. Пашша осмондан тушмайди. Биз ўз қўлимиз билан яратиб берган (қолдиқ озиқ-овқатлар, чириган сабзавотлар, ҳайвонлар гўнги ва ахлат қолдиқлари) шароит туфайли ҳаёт кечиради ва битта она пашша ўзидан ҳаёти мобайнида 1 миллионгача насл қолдиради. Пашшалар қолдиқ озиқ-овқатлар, чириган мева ва сабзавотлар, ҳайвонлар гўнларига ўз тухумларини қўйиб, қулай шароит бўлиши билан 5-6 кун ичида гўмбагидан учиб чиқа бошлайди. Пашшалар озиқ-овқатларга, идиш товоқларга ва бошқа нарсаларга қўниб, ўз оёқларига касаллик микробларини илаштириб олади ва яқин-атрофдаги хонадонларга учиб кириб, усти очиқ озиқ-овқатларга қўниб, уларни ифлослантиради.

Қаерда пашшалар кўп

бўлса, санитария-ишларига таъриб эътибор берилмаган-лигининг гувоҳи бўламиз.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, озиқ-овқат ва мева-сабзавотларнинг устини ёпиқ ҳолда сақланг, уларни истеъмол қилишдан олдин яхшилаб ювинг, хонадонларда чириган озиқ-овқат, мева-сабзавотлар ва ахлатлар тўпланиб қолишига йўл қўйманг, ахлат йиғиладиган идишларни бўшатгандан сўнг қайноқ сув билан ювиб ташланг, зарарли ҳашаротларга қарши курашиш бўйича янада мукамалроқ маълумот оломоқчи бўлсангиз, ўзингиз яшаб турган туман дезинфекция станциясига мурожаат қилсангиз, у ердаги мутахассислар сизларга керакли маслаҳат ва йўл-йўриқларни кўрсатадилар.

Меҳри

НУРМУҲАМЕДОВА,

Тошкент шаҳар Дезинфекция маркази профилактика бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор.



“TERAZ POLSKA UZBEKISTAN 2004”

Шу йилнинг 5-6 октябрь кунлари Тошкентдаги “Ўзбекистон-Польша 2004” кўргазмаси бўлиб ўтади.

Ушбу кўргазмани ташкил этишга савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Польша комиссиясининг кейинги кўшма мажлисида эришилди, деди Польшанинг мамлакатимиздаги элчихонаси савдо-иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи Марек Пионтиек.

Польша Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишлари маҳаллий бозорларда товар ва хизматларнинг сотиш, инвестиция сармоясини миллий иқтисодиётга жалб этиш ҳисобланади. Польша республикасининг миллий кўргазмаси ҳам шу мақсадга йўналтирилган.

Айни пайтда олтинчи фирма ва компаниялар кўргазмада қатнашиш истагини билдиришди. Улар Польша экспорт салоҳиятини имкон қадар кенг акс эттириш ниятида.

Ташкилотчилар кўргазма иштирокчиларини танлашда Ўзбекистон томонининг тақлифларини, шунингдек Ўзбекистон иқтисодиётидаги устивор йўналишларни ҳисобга олишди. Кўргазмага ташриф буюрувчилар металлари қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати, фармацевтика, енгил саноат соҳаларидаги ютуқлар ва имкониятлар билан танишишлари мумкин.

Кўргазманинг вазифаси Польшанинг салоҳиятини намойиш этиш билан қиёяланиб қолмай, балки иқтисодий муносабатларни янги поғонага кўтаришдан иборат, деди Марек Пионтиек. Кўргазма икки мамлакат тadbirkorлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиб, ўзаро манфаатли лойиҳа ва режаларни муҳокама этишга имкон туғдиради.

“Туркистон-пресс”

Орисон штатида ана шундай тимсоҳлар бир неча йил ичида тўртга одамга ҳужум қилгани қайд этилган. Аёлларнинг қўл ва оёқларига тақиб қўйилаётган вази 7 килограммча келадиган мис халқалар Хиндистоннинг миллий музейида намойиш қилинган. Ана шу буюмларнинг барчаси Хиндистонда яшайдиган тароқли тимсоҳнинг ошқозонидан топилган.

Истамбул шаҳрининг музейларидан бирида ертўладан топилган қизик бир нарсани намойиш этилган. Унинг боши одам калласини, танаси тимсоҳ гавдасини эслатади. Мутахассислар топилгани текшириб чиқдилар. Аниқланишича, унинг тепа қисми 6-8 яшар боланинг калласи бўлиб, пастки қисми эса тимсоҳнинг қорин бўлишига жойлашган. Тимсоҳ болага ҳужум қилиб, уни юта бошлаганда одамлар йирткични гўмдон қилишади. Боланинг ота-онаси эса уларни балъамга солиб қотириб қўйган. Ана шундай одамхўр тимсоҳлардан бири балиқчига ўзига хос яхшилик қилади. Шри Ланкадаги кўллارнинг бирида қирғоқда балиқ овлаб ўтирган одамнинг нигоҳи сув остидаги бир шарпага тушади, уни аниқроқ кўриш учун сув томон энгашади. Шунда дафъатан унинг тепасидан важоҳатли қолпон сакраб ўтади. Балиқчиға ҳамла қилган йирткич тўпа-тўғри сувга тушади ва тимсоҳға ем бўлади.

Тимсоҳлар том маънода ёвуз махлуқ ҳисобланади. Шри ланкалик зоолог Дераниччаланнинг кузатишича, катакдан қочиб чиққан Лангар лақабли маймун ховузчадан сакраб ўтаётган чоғида сув тағида ётган 3 метрли тимсоҳ дафъатан сакраб маймунни тутиб олади ва бир лаҳзада уни ютиб юборади.

Тимсоҳларнинг барча турлари сувда озиқланади ва бир неча кун давомида қуруқликда ётиши мумкин.

Сув остида ҳам узок вақт сузади. Қизиги шундаки, тимсоҳ сув остида бўлганида унинг юрак уриш тезлиги олти мартага камаяди, нафас олиши эса ўқтин-ўқтин

Табиаат ажойиботлари

ТИМСОҲЛАРНИНГ БИЗ БИЛМАДАН ТӨМӨНЛАРИ

Янги Гвинея қишлоқларидан бирида одамхўр тимсоҳ пайдо бўлгани ҳақида хабар тарқалган, одамларни ана шундай ташвиждан қутқариш учун бир халоскор ишга киришди. Довюррак овчи ўзига шунчалик ишондики, алдамчи хўрак сифатида ўзининг ўғлини сувга таширди. Сувдаги болани узок масофадан кўрган тимсоҳ унга ақинлаша бошлади, лекин овчи ҳам янглишмасдан нишонни тўғри олди. Йирткич болага етолмасдан қучли зарбдан жон таслим қилди.

давом этади ва унинг тезлиги бир неча қатқанда қўзилади. Тимсоҳ сув бетига чиққандан сўнг юрак тепиши меъёрига қайтади.

Ўлдирилган битта тимсоҳ Судан халқи учун бутун бир дорихона ҳисобланади. Унинг қони илон қақанида ва кўз огриғига даво бўлса, сўнгидан ҳосил бўлган қул хар хил яраларни тўзатади, ёғи эса безгак касалига, тиш огриғига даво экан. Хиндистон ва яна баъзи мамлакатларда овчилар ҳар бир ўлдирилган тимсоҳ учун тақдирланадилар. Муқофотнинг ҳажми тимсоҳ ошқозонидан топилган «хазина»га қараб белгиланади.

Тимсоҳлар ичида ўта хавфлиси кўзга кўринмасдан сузадиганларидир. Бу йирткич тўсатдан олдингизда пайдо бўлиб қолди, хўш бундай ҳолатда нима қилиш керак? Икки биолог олим тунда қайқда дарёда сузиб кетаётганида шундай тимсоҳ орқанда ўтирган одамнинг қўлига оғиз солади, бир неча сониядан сўнг тимсоҳ ўз ўлжасини тарк этиб, сувга шўнғиб ке-

тади. Олдинда ўтирган эшакчи воқеа моҳиятига бирданга тушуна олмади. Ҳодиса бундай бўлгани: ҳужум қилган тимсоҳ одамнинг бир қўлини тишлаган захотиёк у киши иккинчи қўли билан тимсоҳнинг кўзига бармоғини тикади. Маълум бўлишича, тимсоҳнинг кўзи унинг энг нозик аъзоси экан.

Тимсоҳларнинг ошқозон суюқлиги шу қадар қучлики, 15 сантиметр қалинликдаги темир қармоқни бир неча ой давомида эритиб юборади.

Тимсоҳлар тўр ёки қармоқ воситасида тутилади, аммо қўлича ов митлигидан фойдаланилади. Тунда қайқда юрган овчилар қамишзор орасида юрган тимсоҳни овлайдилар, тунда тимсоҳнинг кўзлари қизил чироқ сингари ялтираб туради. Милтиқ отилиши билан ўлжа қўқиб кетмаслиги учун гарпун ҳам отилади, жон талвасага тушган тимсоҳ қайқ ёрдамида қирғоққа чиқарилади.

Маълумки, тимсоҳлар туҳум қўйиш йўли билан кўпаяди. Тимсоҳ қирғоққа чиқиб қиқинагина чуқурча қавлайди ва шу жойга 100 донагача туҳум қўяди, туҳумдан чиқиб қайналганларига эса онаси ёрдамга келади, акс ҳолда қумолилар галаси жажжи тимсоҳларга ҳужум қилиб уларни еб қўяди. Қизғини шундаки, туҳум атрофидаги ҳароратнинг юқори ёки паст даражада эканигизга қараб бўлажак тимсоҳларнинг жинси белгиланади, ҳарорат 36 даражага етганда эркек жинсли ва 31 даражадан пастайганда урғочи жинслилар пайдо бўлади. Амазонка дарёси соҳилида яшайдиган тимсоҳлар масаланинг антика ечимини топишган, яъни улар туҳумини термитлар усаига қўяди, унда ҳарорат мўътадил бўлгани боис туҳумдан чиқадиган тимсоҳларнинг жинси ҳам бир-бирига яқин бўлади.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори

Спорт

**АРТУР ГАЛАБА
КОЗОНДИ**

Профессионал бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Артур Григорян Венгриянинг Будапешт шаҳридаги «Kisstadion» спорт мажмуида навбатдаги жангини ўтказди. Бу гал у венгриялик Ласло Херцег билан куч синашди.

Тахриба ва маҳорат бобида рақибидан анча устун Артур Григорян саккиз раундга мўлжалланган жангни муддатидан олдин якунлади. Тўртинчи раундда ўзбекистонлик боксчининг кучли ва аниқ зарбасини ўтказиб юборган Ласло Херцег техник нокаутга учради ва мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди. Артур Григорян профессионал боксда ўттиз етти жанг ўтказиб, ўттиз олтитасида галаба қозонган ва бир маротаба мағлубият алламини тортган.

**КЎНГИЛЛИЛАР
МУСОБАҚАСИ**

Пойтахтдаги Фафур Фулом номидаги боғда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ташкил этилган биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича республика мусобақалари бўлиб ўтди. Уларни ўтказишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар бош бошқармаси, Халқаро Қизил Хоч кўмитаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ёрдам кўрсатди. Мусобақалар 11 сентябрь — Жаҳон биринчи ёрдам кўрсатиш кунини муносабати билан ўтказилди. Бу сана дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Миллий жамиятлари томонидан нишонланади.

Маҳаллий вақт билан соат 11 да ҳамма мамлакатларда ушбу жамиятларнинг кўнгиллилари ўзига хос ягона «инсоний ёрдам занжири»ни ҳосил қилишди. Тадбирдан кўзланган мақсад — факулдада вазиятларда одамларга ёрдам берадиганларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигига дунё жамоатчилиги эътиборини қаратиш.

Тошкентдаги мусобақаларда республика Қизил Ярим Ой Жамиятининг тиббий-ижтимоий марказларида ўқитилган эди. Мусобақа қатнашчилари йўл-транспорт ҳодисалари, техноген фалокатлар, табиий офатларда жабрланганлар ҳамда маиший жароҳат олганларга биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларини намойиш этди. Ҳолибларга совринлар топширилди.

Ўза

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания чоп этиш цехи бошлиғи Рустам Миррахимовга отаси

Фаррух МИРРАХИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан қучур таъзия изҳор этади.

**БИРОВГА
ЧОҲ ҚАЗИСА...**

Эзоп сотиб олинган хонадонда бошқа куллар ҳам бор эди. Бир кунининг хожаси бозордан хурмо сотиб олиб дастурхонга қўйди ва бир иш билан чиқиб кетди. Бу ерда хизмат қилиб юрган икки қулнинг хурмо егиси келди. Аммо улар хожаларининг газабларидан қўрқишарди. Шунда улардан бири иккинчисига:

— Кел, хурмони еймиз-да, Эзоп еди, деймиз. Иккаламининг галимизга хожа ишонади, — деди.

Иккинчи қул ҳам бу гапга кўнди. Улар дастурхондаги хурмоларни пок - покиза туширишди. Шу пайт хожа келиб хурмони суриштирди. Ҳалиги икки қул келишганларидек бу айбни Эзопга тўнкашди. Хожанинг жаҳли чиқиб, Эзопни қалтаклашни буюрди.

— Шошманглар, — деди Эзоп ва бор гапни айтгани билан хожасининг ишонмаслигини билиб, шу ерда турган идидан тўйиб сув ичди ва бармоғини оғзига солиб чиқариб ташлади. У хурмо еманглигидан ичидан тоза сув тушди.

— Қани, иккаланг ҳам шундай қил-чи, — деб буюрди хожа иккала қулга.

Қуллар ноилож сув ичишди ва уларнинг оғзидан сувга қўшилиб хурмолар тушди. Тўхматчилар ўз жазоларини олдидилар.

Ҳа, ким бировга чоҳ қазиса — ўзи

тушади...

**ЎЗ ФАРЗАНДИГА
ЯХШИРОҚ ҚАРАЙДИ**

Эзопнинг янги хожаси уни бир кунини поллизда ишлаш учун қўйди. Поллизда экинлар яхши ўсмаган, турли хил ёввойи ўтлар эса авж олиб ётарди.

— Нега ерга экилган экинлар ҳар қанча парвариш қилинса ҳам яхши ўсмайди-ю ёввойи ўтлар эса бемалол ўсаверди? — деб сўради хожаси Эзопдан.

— Чунки, экилган экинлар ер учун ўгай, ёввойи ўтлар эса унинг ўз фарзандлари-

итингдан вафодорроқ киминг бор? — деб жавоб қилди Эзоп.

ЙЎЛИНИ ТОПДИ

Эзоп хизмат қилаётган хонадон хожасининг хотини аразлаб, уйдан кетиб қолди. Уни уйига қайтариш учун қанча ҳаракат қилишмасин, неча марта одам юборишмасин, хотин «қайтиб келмайман», деб оёғини тираб туриб олди. Хожаси ноилож бу ҳақда Эзопга маслаҳат солди.

— Хожам, хотинингни шу бугуноқ уйга қайтариб олиб келишга сўз бераман, — деди Эзоп.

— Қандай қилиб? — деб сўради хожаси.

— Бугўни менга қўйиб бер, — деди Эзоп.

Хожаси бунга розилик берди. Эзоп хожасининг хотини яшайдиган уй олдида гўё билмагандай ўтиб бораркан, унинг яқинларидан бирдан:

— Биродар, бу ерда тўй дастурхонига тортиладиган яхши парранда гўшти қаерда сотилади? — деб сўради.

— Сенга у нима учун керак? — деб сўради ҳалиги одам.

— Менинг хожам — фалончи бўлади, у уйланапти, эртага тўй, шунинг учун керак, — деди Эзоп ва индамай орқасига қайтди.

Бу гапдан хабар топган хожасининг хотини «эрим бошқа хотинга уйланиб қўймайсин», деб ўша заҳотиёқ уйига қайтиб келди.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ
таржимаси

ЭЗОП ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

дирлар. Ҳар қандай она ҳам ўз фарзандларига ўгайга қарагандан яхшироқ қарайди-да, — деб жавоб қилди Эзоп.

КИМ ВАФОДОРРОҚ?

Эзопнинг хожаси бир жойга зиёфатга таклиф этилганди. У уйда қолган хотинини эслаб, дастурхонга тортилган энг яхши таомлардан олди-да, Эзопга:

— Мана буни олиб бориб, уйдаги вафодоримга бер, есин, — деди.

Эзоп хожасининг буйруғини бажариб, таомларни уйга олиб борибди ҳаммасини унинг итига берди. Хожаси келиб, бу холдан хабардор бўлиб Эзопни:

— Нега бундай қилдинг, нега таомларни хотинингга бермадинг? — деб газабланди.

— Ахир, сен ўзинг бу таомларни вафодоримга бер, дединг-ку? Сенинг учун

ичига ҳар хил спиртли ичимликлар қўйиб қўйилган, фарзининг ичи эса тўла коньяк эди.

— Менинг бир шартим бор, — деди мезбон таажжубланиб турган мезмонларга қараб, — ким қайси донани ютиб олса, ўшанинг ичидани шу заҳоти ичиши керак.

Рақиблар шохлари олдидаги пиёдаларини икки хонага олға суриш билан ўйинни бошладилар. Оқ доналарга бошчилик қилаётган муғомбир Ласкер, ўйин принципларига, ўз мавқега тўғри келмаса-да, иккинчи юришдаёқ фарзин билан рақиб шохини нишонга олди. Мороци: «Шуям ўйин бўлди-ю», деган ҳаёлда яхши юришлардан бирини қилди. Учинчи юришда Ласкер фарзин билан қора шохнинг бикинидаги пиёданга урди-да, «кишт» берди. Мороци бўлса мийғида кулиб: «Дўстим, бугун намунча сахий бўлиб кетдингиз», дея «ўлжа»ни дарров уриб олди.

Ласкер-ку фарзинсиз қолди, лекин коньякни ичиб, кўзлари биё-биё бўлган Мороци ўйинни ўтказиб, мукофотдан маҳрум бўлди.



— Огайни, уйингда бир кун тунашга руҳсат берасанми?

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ
СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ**

Тошкент шаҳар солиқ идораларидаги бўш ўринларга ишга кириш истагини билдирган номзодлар учун танлов бошланганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

- Иқтисодчи, бухгалтер ва ҳуқуқшунос ихтисослиги бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотига эга бўлишлари;
- Ҳарбий ёки муқобил хизматни ўтаган бўлишлари;
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари шарт.

Номзодлар тегишли ҳужжатларни жамлаш ва топшириш учун ўзлари яшаб турган жойдаги туман Давлат солиқ инспекцияларининг кадрлар билан ишлаш бўлимларига 2004 йил 25 сентябргача мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 326-халқ амалий санъати мактаб-мажмуаси томонидан 1997 йили Сафиуллина Нурия Равильевна номига берилган О'РА №395517 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

гизеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босяҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
2756 нускада босилди. Қўғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563